



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 10 » ноябрь

№ 705

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 2 сентябрдаги ПК-4817-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059-сон Фармони 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилганлиги ва унинг асосий вазифалари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ҳузуридаги Пиллачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари ва хом ипакнинг олиб чиқилишини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2021 йил 1 февралдан бошлаб амалга киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси бир ой муддатда:

мазкур қарордан келиб чиқиб, марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги низомлар тасдиқланишини;

марказий аппарат ва худудий бошқармаларнинг ушбу қўмитага юкланган асосий вазифалар ва функцияларни юксак профессионал даражада бажара оладиган, зарур назарий ва амалий билимларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда хизмат енгил автомобилларидан фойдаланишни янада тартибга солиш бўйича чоратадбирлар тўғрисида” 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарорига 1-илованинг рус тилидаги матнига 4-иловага мувофиқ қўшимча киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев ва Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва коракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси раиси Б.Қ. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” ноябрдаги “705”-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни
ривожлантириш қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг (кейинги ўринларда – Кўмита) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, хукуклари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари, хукуклари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Кўмита пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи, шунингдек, ушбу тармоқларни ягона илмий-техник сиёсатни юритган ҳолда, мувофиқлаштирилган тарзда ривожлантиришни таъминловчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Кўмита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунади.

3. Кўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Кўмитанинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Кўмита, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига шахсий ғазна ҳисобваракларига эга бўлади.

6. Кўмитанинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси, қисқартирилган номи – Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Комитет Республики Узбекистан по развитию шелководства и каракулеводства, қисқартирилган номи – Комитет по развитию шелководства и каракулеводства;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Committee of the Republic of Uzbekistan for the development of sericulture and karakul farming, қисқартирилган номи – Committee of sericulture and karakul farming.

7. Кўмитанинг жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, И smoил ота кўчаси 1а-уй, 100170.

2-боб. Кўмитанинг тузилмаси

8. Кўмита тизимига:

Кўмитанинг марказий аппарати;

Кўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудий бошқармалари;

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти;

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти;

Бухоро чўл-яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази киради.

3-боб. Кўмитанинг асосий вазифалари ва функциялари

1-§. Кўмитанинг асосий вазифалари ва функциялари

9. Куйидагилар Кўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини, шунингдек, ушбу тармокларни ягона илмий-техник сиёсатни юритган ҳолда, мувофиқластирилган тарзда ривожлантиришни таъминлаш;

тут плантациялари ва яйловларнинг қатъий ҳисобини юритиш ва фондини ўрганиш, шунингдек, пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш учун озуқа базасини яхшилаш;

ипак куртининг ва қоракўл зотли қўйларнинг юқори даражада маҳсулдор наслларини жорий қилиш;

пилла ва қоракўл терисидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида хомашё тайёрлаш ва уни қайта ишлаш учун қулай шароитлар яратиш;

маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда ипак ва қоракўлдан тайёрланган маҳсулотларни, энг аввало, ташқи бозорларда сотишига кўмаклашиш;

пиллачилик ва қоракўлчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш, кластерлар ташкил этиш ва маҳсулотни экспорт қилишда ҳар томонлама ёрдам бериш.

10. Құмита ўзига юкланған асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) пиллачилик ва қоракүлчиликни ривожлантириши соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини, шунингдек, ушбу тармоқтарни ягона илмий-техник сиёсатни юритган ҳолда, мувофиқлаштирилган тарзда ривожлантиришини таъминлаш соҳасида:

пиллачилик ва қоракүлчилик тармоғида давлат бошқаруви органларининг, хўжалик бирлашмаларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

пиллачилик ва қоракүлчилик тармоғини ривожлантириш, қоракўл зотли кўйларнинг сара генофондини сақлаб қолиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

илмий-тадқиқот муассасалари томонидан ишлаб чиқилган селекция-наслчилик дастурларини амалиётга татбиқ этиш ишларини мувофиқлаштиради;

норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш, халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатларининг маблағларини жалб қилиш орқали тармоқ корхона ва ташкилотларининг ривожланиши, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашади;

кўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадида ипакни қайта ишлаш ташкилотлари, чорвачилик хўжаликлари ва гиламчилик хунармандлари ўртасида кооперацияни йўлга кўйишда кўмаклашади;

б) тут плантациялари ва яйловларнинг қатъий ҳисобини юритиши ва фондини ўрганиши, шунингдек, пиллачилик ва қоракүлчиликни ривожлантириши учун озуқа базасини яхшилаш соҳасида:

янги тутзорларни барпо этиш, тут қаторларини кенгайтириш ва мавжуд тутзорларни модернизация қилиш орқали пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, яйловлар унумдорлигини ошириш ҳамда яйлов ўсимликлари уруғчилигини йўлга кўйишга илмий, амалий ва методик ёрдам кўрсатади;

тут қаторлари ва тутзорларни кенгайтириш мақсадида сұғориладиган ер майдонлари ажратиш бўйича тегишли давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлайди;

в) ипак қуртининг ва қоракўл зотли кўйларнинг юқори даражада маҳсулдор наслларини жорий қилиши соҳасида:

тармоққа киравчи ташкилотларга ипак қуртининг юқори маҳсулдор зотларини яратиш, парвариш қилиш ва сифатли уруғ ишлаб чиқаришни йўлга кўйишда кўмаклашади;

қоракүлчиликда наслчилик ишларини яхшилаш ва наслчилик ишини илмий асосда такомиллаштиришда кўмаклашади;

г) пилла ва қоракўл терисидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарши мақсадида хомашё тайёрлаш ва уни қайта ишлаш учун қулай шароитлар яратиш соҳасида:

пилла ва қоракўл терисидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида хомашё тайёрлаш ва уни қайта ишлаш учун қулай шароитлар яратади;

худудларда ипак, ипак чиқиндилари, жун ва пахта аралашмали гиламлар тўкишни ташкил этиш учун хунармандлар ва ташкилотларни керакли миқдорда хомашё ҳамда гилам тўкиш дастгоҳлари ва мосламалари билан таъминлаш чораларини кўради;

пиллачилик ва қоракўлчилик тармоғи ташкилотларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун кўмир, полиэтилен, полипропилен, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа зарур маҳсулотларни ўз вақтида, тартибга солинадиган нархлар бўйича ажратиш орқали белгиланган тартибда моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ҳамда пиллачилик ва қоракўлчилик тармоғининг хўжалик юритувчи субъектларини электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш бўйича чоралар кўради;

д) маркетинг тадқиқотларини ўтказиши ҳамда ипак ва қоракўлдан тайёрланган маҳсулотларни, энг аввало, ташқи бозорларда сотишга кўмаклашии соҳасида:

ипак ва қоракўлчилик маҳсулотларини сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотлари олиб бориш ҳамда ипак ва қоракўлдан тайёрланган маҳсулотларни, энг аввало, ташқи бозорларда сотишга кўмаклашади;

республика худудлари бўйича пилла ва қоракўл етиштиришнинг прогноз ҳажмларини белгилайди, пилла ва қоракўл тайёрлаш ва қайта ишлаш ташкилотлари бўйича пилла ва қоракўл етиштириш учун буюртмаларни жойлаштиради;

сифатли пилла ва қоракўл етиштириш ва тайёрлаш, уни дастлабки қайта ишлаш, хом ипак ва ипак калава ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилишни ташкил этади;

е) пиллачилик ва қоракўлчилик билан шугулланувчи тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириши, кластерлар ташкил этиши ва маҳсулотни экспорт қилишида ҳар томонлама ёрдам бериши соҳасида:

тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этишга кўмаклашади;

ипакдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва унинг сифатини янада яхшилаш, энг харидоргир турлари ва дизайнини ўзлаштириш, тармоқ маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлайди, сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этишга доир ишларни самарали ташкил этади;

пиллачилик ва қоракўлчилик тармоғини ривожлантириш борасида ипак ва қоракўл маҳсулотлари нархини шакллантиришининг мақбул механизмини яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади, тайёр ипак ва қоракўлдан тайёрланган маҳсулотлар экспорти ҳажмини оширади ҳамда ички ва ташки бозордаги нархлар мониторингини юритади;

халқаро сифат стандартларини жорий қилиш ва кўлда тўқилган гиламчилик маҳсулотларини экспорт қилиш ишларини ташкил этишга яқиндан кўмаклашади;

пилла ва қоракўл этиштириш ва тайёрлаш ҳажмларини босқичма-босқич кўпайтириш, уларнинг сифатини янада яхшилаш ҳамда маҳсулдорлигини оширишга кўмаклашади.

Кўмита қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Кўмита ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек, ҳудудий бошқармалар ҳамда унга идоравий мансуб бўлган тузилмалар орқали амалга оширади.

2-§. Кўмита марказий аппаратининг асосий вазифалари ва функциялари

11. Куйидагилар Кўмита марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан биргаликда Кўмитага юклangan вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

тут плантациялари ва яйловларнинг қатъий ҳисобини юритиш ва фондини ўрганиш, шунингдек, пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш учун озуқа базасини яхшилаш чоралари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини назорат қилиш;

ипак курти ва қоракўл зотли қўйларнинг юқори даражада маҳсулдор наслларини жорий қилиш;

пилла ва қоракўл терисидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида хомашё тайёрлаш ва уни қайта ишлаш учун қулай шароитлар яратиш;

маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда ипак ва қоракўлдан тайёрланган маҳсулотларни, энг аввало, ташки бозорларда сотишига кўмаклашиш;

пиллачилик ва қоракўлчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш, кластерлар ташкил этиш ва маҳсулотни экспорт қилишда ҳар томонлама ёрдам бериш;

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг пиллачилик ва қоракўлчилик тармоғидаги фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

пиллачилик ва қоракўлчилик тармоғида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш;

пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш соҳасида норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши.

12. Қўмита марказий аппарати ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни бажаради:

Қўмита ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлил жиҳатдан таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Хукумат қарорларининг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини ҳамда уларнинг иқтисодий, молиявий ва хуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

Қўмитанинг худудий бошқармалари ва унга идоравий мансуб бўлган ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қиласди, мувофиқлаштиради ва назорат қиласди;

Қўмита фаолиятини хуқуқий жиҳатдан таъминлайди;

Қўмитанинг ваколатига кирувчи тезкор, ташкилий, кадрлар, молиявий, ишлаб чиқариш-хўжалик ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қиласди;

пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш бўйича давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш ҳамда тармоқларда тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатлари ва хукуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш соҳасидаги илгор ҳалқаро тажрибани тизимли ўрганади ва жорий этади;

вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда, пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантиришга қаратилган стратегик дастурлар, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш соҳасида хорижий мамлакатларининг тегишли органлари ва ҳалқаро ташкилотлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни ташкил қиласди;

пиллачилик ва қоракўлчилик тармоғида фаолият юритаётган кластерларнинг электрон рўйхатини юритади ва эълон қиласди;

пиллани қайта ишловчи корхоналарнинг ўзларига карашли озуқа базаси яратилишини, пилла хомашёси етиштиришнинг инновацион технологиялари кенг жорий этилишини ҳамда экспортга йўналтирилган юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулот ҳолига келтирилгунга кадар чуқур қайта ишлашни ўз ичига олган пиллачилик кластерлари ташкил қилинишини таъминлайди;

қоракўл зотли қўйларни кўпайтиришга мўлжалланган барча яйловларни Кўмитанинг доимий эгалигига олади ва уларнинг мустақил равишда, шу жумладан ноль ставкада қоракўлчилик кластерларига ижарага берилишини таъминлайди;

республиканинг яйловларга эга барча ҳудудларида озуқа базасини яратган ҳолда, майда шохли наслдор молларни кўпайтириш, шунингдек, мол сўйиш, тери ва жунни қайта ишлаш, гўшт-сут маҳсулотлари, яrim тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш бўйича қоракўлчилик кластерлари ташкил қилинишини таъминлайди;

қоракўлчилик кластерларига қоракўл зотли қўйларни боқишига мўлжалланган, шу жумладан ўрмон билан қопланмаган ўрмон фонди ерларидан яйловлар ижарага берилишини таъминлайди;

қоракўлчилик кластерлари билан яйловлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳолати ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслик, илмий ва инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда майда шохли наслдор молларни кўпайтириш, кластер иштирокчилари ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш орқали хомашёни чуқур қайта ишлашни ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича мажбуриятларни юклаган ҳолда шартномалар имзолайди;

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Бухоро чўл-яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг қоракўлчилик кластерлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишини ташкил этади ва таъминлайди;

пиллачилик ва қоракўлчилик тармоғида фаолият юритувчи субъектларни давлат органларининг ноқонуний қарорларидан, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қиласди;

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан киритиладиган ва қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ва амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатлар, шунингдек, бошқа хужжатларни уларнинг пиллачилик ва қоракўлчилик тармоғига таъсири юзасидан экспертизадан ўтказади;

норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни қабул қилиш мақсадга мувофик эмаслиги бўйича таклифлар киритади;

пиллачилик ва қоракүлчилик тармоғига салбий таъсир кўрсатадиган конун ҳужжатлари ва давлат органлари қарорларини бекор қилиш бўйича таклифлар киритади.

Кўмитанинг марказий аппарати конун ҳужжатларига ва қўмита раҳбариятининг топшириқларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-§. Кўмита ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифалари ва функциялари

13. Куйидагилар Кўмита ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Кўмитанинг ҳудудий бошқармаларига юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш;

тут плантациялари ва яйловларнинг қатъий ҳисобини юритиш ва фондини ўрганиш, шунингдек, пиллачилик ва қоракүлчиликни ривожлантириш учун озуқа базасини яхшилаш ишларини ташкил этиш орқали;

янги тутзорларни барпо этиш, тут қаторларини кенгайтириш ва мавжуд тутзорларни модернизация қилиш орқали пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, яйловлар унумдорлигини ошириш ҳамда яйлов ўсимликлари уруғчилигини йўлга кўйиш;

тут қаторлари ва тутзорларни кенгайтириш мақсадида сугориладиган ер майдонлари ажратиш бўйича тегишли давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳудудларда Кўмитанинг ҳамкорлигини таъминлаш;

ипак қуртининг ва қоракўл зотли қўйларнинг юқори маҳсулдор наслларини жорий қилиш;

ҳудудлардаги тармоқка киравчи ташкилотларга ипак қуртининг юқори маҳсулдор зотларини яратиш, парвариши қилиш ва сифатли уруғ ишлаб чиқаришга кўмаклашиш;

пилладан ва қоракўл терисидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида хомашё тайёрлаш ва уни қайта ишлаш учун қулай шароитлар яратиш:

ҳудудларда ипак, ипак чиқиндилари, жун ва пахта аралашмали гиламлар тўқишини ташкил этиш учун ҳунармандлар ва ташкилотларни керакли микдорда хомашё ҳамда гилам тўқиши дастгоҳлари ва мосламалари билан таъминлаш чораларини кўриш;

пиллачилик ва қоракүлчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш, кластерлар ташкил этиш ва маҳсулотни экспорт қилишда ҳар томонлама ёрдам бериш:

ипак ва қоракўл маҳсулотини сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотлари олиб бориш ҳамда ипак ва қоракўлдан тайёрланган маҳсулотларни, энг аввало, ташки бозорларда сотишга кўмаклашиш.

14. Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ўзларига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни бажаради:

худудий бошқарма ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлил жиҳатдан таъминлайди;

худудий бошқарма фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди;

худудий бошқарманинг ваколатига кирувчи тезкор, ташкилий, кадрлар, молиявий, ишлаб чиқариш-хўжалик ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қиласди;

қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш соҳасидаги илғор халқаро тажрибани тизимли ўрганади ва жорий этади;

пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантиришга қаратилган стратегик дастурлар, “йўл ҳариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

ўз ваколатлари доирасида пиллачилик ва қоракўлчилик тармоғида фаолият юритувчи субъектларни қонуний ҳимоя қилишни таъминлайди;

пиллачилик ва қоракўлчилик тармоғида хўжалик юритувчи субъектларга тенг шарт-шароитларни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

ва бошқа ҳужжатларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бажарилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қиласди;

пиллани қайта ишловчи корхоналарнинг ўзларига карашли озуқа базаси яратилишини, пилла хомашёси етиширишнинг инновацион технологиялари кенг жорий этилишини ҳамда экспортга йўналтирилган юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулот ҳолига келтирилгунга кадар чукур қайта ишлап ташкил этилишининг мониторингини юритади ва Кўмитага тегишли маълумотлар киритиб боради;

қоракўлчилик кластерларининг ташаббускорлари томонидан яйловлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳолати ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслик, илмий ва инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда майда шохли наслдор молларни кўпайтириш, кластер иштирокчилари ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш орқали хомашёни чукур қайта ишлапни ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишларини мониторинг қиласди ва Кўмитага тегишли маълумотлар киритиб боради.

Кўмитанинг ҳудудий бошқармалари қонун ҳужжатларига ва Кўмита раҳбариятининг топшириқларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4-§. Қўмитанинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

15. Қўмита ўзига юкланган асосий вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Қўмита ваколатига тегишли масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Қўмита ваколатига тегишли масалалар бўйича зарур статистика маълумотларини давлат статистика органларидан бепул олиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Қўмитага юкландган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлик бўлган бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда киритиш;

вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқариш;

Қўмитанинг ваколатига кирадиган масалаларда давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларининг давлат мулкини ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида бир ҳудудий бошқармадан бошқасига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида белгиланган тартибда ўтказиш;

Қўмита ходимларини уларнинг тегишли соҳадаги фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрларни бажарганликларини ҳисобга олган ҳолда моддий рағбатлантириш тартиби, микдори ва шартларини белгилаш;

Қўмита ваколатларига кирадиган масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, давлат бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиш;

Қўмита ваколатларига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

Қўмита ваколатларига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манбаатларини белгиланган тартибда халқаро даражада ифода этиш;

пиллачилик ва қоракўлчилик тармоқларининг муаммолари бўйича жамоатчилик, консультатив, илмий-техник ва бошқа кенгашлар, идоралараро эксперт комиссиялари ташкил этиш, маҳсус кенгашлар чақириш, шунингдек, пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш билан боғлик узок муддатли дастурлар, норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ушбу соҳада давлат сиёсатини юритиш ва бошқа масалаларни ҳал этиш учун илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари, олий таълим муассасалари ва юридик шахсларнинг вакилларини ҳамда жисмоний шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жалб этиш;

яйловларни қоракўлчилик кластерларига мустақил равиша, шу жумладан ноль ставкада ижарага бериш;

судларга даъво аризалари ва аризалар киритиш, ўзининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-хукуқий хужжатлар бузилиши билан боғлиқ ишларнинг кўриб чиқилишида суд жараёнларида иштирок этиш;

пиллачилик ва қоракўлчилик тармоқларига оид божхона тарифларини ўзгартириш, квоталарни жорий этиш ёки бекор қилиш, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича имтиёзлар бериш ёхуд имтиёзларни бекор қилиш, имтиёзли кредитлар бериш ва давлат томонидан кўллаб-куватлашнинг бошқа турларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва унга идоравий мансуб бўлган ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорлар ва буйруқларни бекор қилиш, тўхтатиб туриш (тўлиқ ёки қисман) ёхуд уларни қонунчиликка мувофиқлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

пиллачилик ва қоракўлчилик тармоқларини ривожлантириш соҳасида хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш;

хорижий мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиб, уларга, истисно тариқасида, Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш.

Қўмита қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Қўмитанинг фаолият соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-хукуқий хужжатлар лойихалари мажбурий тартибда у билан келишилиши шарт.

17. Қўмита:

ўзига юклangan асосий вазифалар ва функцияларни самарали бажариш, шунингдек, пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши;

ўз фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-хукуқий хужжатлар лойихаларининг, шунингдек, Қўмита томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш соҳасидаги дастурлар, чора-тадбирлар, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий хужжатлар самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

5-§. Қўмита марказий аппаратининг хуқуқлари ва жавобгарлиги

18. Қўмита марказий аппарати ўзига юкланган асосий вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қўйидаги хуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органларидан, хўжалик бирлашмаларидан, Қўмитанинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлардан масалаларни таҳлил қилиш ва ўрганиб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни, Қўмита марказий аппаратида кўриб чиқиладиган норматив-хуқуқий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини сўраш ва олиш;

хорижий малакали мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиш, Қўмитага юкланган вазифаларни бажариш мақсадида эксперт комиссиялари ва ишчи гуруҳларни ташкил қилиш ҳамда уларни бюджетдан ташқари ва бошқа маблағлар ҳисобидан мукофотлаш;

зарурат бўлганда, белгиланган тартибда Қўмитада кўриб чиқиладиган масалаларни ўрганиб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-хуқуқий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун Қўмитанинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ва вакилларини жалб қилиш, ушбу мақсадлар учун эксперт комиссиялари ва ишчи гуруҳлар ташкил қилиш;

Қўмитанинг худудий бошқармаларидан ва идоравий мансуб ташкилотларидан улар томонидан киритилган норматив-хуқуқий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиши охирига етказилишини талаб қилиш, зарурат бўлганда уларни камчиликларни бартараф этиш учун қайтариш;

Қўмитанинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари иштирокида мажлислар ўтказиш;

Қўмитанинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларига белгиланган тартибда тезкор ҳал қилишни талаб қиласидиган ва Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича топшириклар бериш;

Қўмитанинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириклари, шунингдек, Қўмита ва унинг раҳбарияти хужжатлари ва топшириклари бажарилиши бўйича фаолиятини ўрганиш ва текшириш;

Қўмита марказий аппаратида пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш муаммолари бўйича жамоатчилик, маслаҳат, илмий-техник ва бошқа кенгашлар, идоралараро эксперт гуруҳларини ташкил этиш, йиғилишлар чақириш, шунингдек, пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш билан боғлиқ узок муддатли дастурлар, норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, пиллачилик ва қоракўлчилик тармоқларида давлат сиёсатини юритиш ва бошқа масалаларни ҳал этиш учун

илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари, олий таълим муассасалари ва юридик шахслар вакиллари ҳамда жисмоний шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жалб этиш;

судларга даъво аризалари ва аризалар топшириш, суд жараёнларида ўзининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилишида иштирок этиш;

Кўмитанинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан қабул қилинган қарорлар ва буйруқларни бекор қилиш, тўхтатиб туриш (тўлик ёки қисман) ёхуд уларни қонунчиликка мувофиқлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

яйловларни қоракўлчилик кластерларига мустақил равища, шу жумладан ноль ставкада ижарага бериш;

пиллачилик ва қоракўлчилик тармоқларини ривожлантириш соҳасида хорижий ва ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш.

Кўмита марказий аппарати қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Кўмита марказий аппарати:

Кўмитага юклangan вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши, шунингдек, пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсати самарали амалга оширилиши;

Кўмита фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларга эришилишини сўзсиз таъминлаш бўйича Кўмита марказий аппарати бўлинмаларининг иши ташкил қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг, шунингдек, Кўмита томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

Кўмитанинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш соҳасидаги дастурлар, чора-тадбирлар, “йўл ҳариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатлар самарали амалга оширилиши ташкил қилиниши учун жавоб беради.

6-§. Кўмита худудий бошқармаларининг хуқуқлари ва жавобгарлиги

20. Кўмитанинг худудий бошқармалари ўзларига юклangan асосий вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги хуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмаларининг худудий бошқармаларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўзларининг ваколатларига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Кўмита ваколатига тааллукли бўлган муҳим муаммоларни ҳал қилиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш бўйича худудий миқёсдаги идоралараро комиссиялар ва кенгашларни ташкил қилиш;

ўз ваколатларига кирадиган масалалар бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

судларга даъво аризалари ва аризалар топшириш, суд жараёнларида ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар бўйича норматив-хуқукий ҳужжатларнинг бузилиши билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилишида иштирок этиш.

21. Кўмитанинг худудий бошқармалари:

ўзларига юкланган асосий вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминланиши;

Кўмита худудий бошқармаларининг фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришиш таъминланиши;

Кўмитага киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифларнинг, шунингдек, Кўмитанинг худудий бошқармалари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар туманларида (шаҳарларда) пиллачилик ва қоракўлчилик тармоқлари бўйича аниқланган муаммолар ҳар томонлама ва чукур таҳлил қилиниши ҳамда умумлаштириш асосида таклифлар тайёрланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантиришга оид дастурлар, чора-тадбирлар, “йўл ҳариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатлар самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

4-боб. Кўмита раҳбарларининг функционал мажбуриятлари

22. Куйидагилар Кўмита раисининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хуқукий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Кўмита фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан Кўмитага юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Кўмитанинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар бажарилишини танқидий ва чукур таҳлил қилиш;

Кўмита, шунингдек, унинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси котибиятлари, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан Кўмита фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларини ўз вактида ва сифатли бажариш;

ўз ўринbosарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Кўмитанинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, ўз ўринbosарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг Кўмита фаолиятининг алоҳида қисмларига раҳбарлик қилиши учун шахсий масъулияти даражаларини белгилаш;

Кўмита фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Кўмита ва ўз ўринbosарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши мақсадида Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмаларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, шунингдек, “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ҳамда мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Кўмита фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Кўмитанинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Кўмита ходимларини тизимли равишда қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш;

Кўмита тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Кўмитанинг кадрлар захирасини шакллантириш;

фаолият соҳасидаги масалалар бўйича норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, уларнинг “Норматив-хукуқий хужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиши тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 марта 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқилиши, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

“Норматив-хукуқий хужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиши тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламентига мувофиқ Қўмитанинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

Қўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта иқтисодий, молиявий, хукуқий экспертизадан ва бошқа экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда уларни келишиш (виза қўйиш);

Қўмита раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 марта 2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикаси ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПК-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

ўз ўринбосарлари ва Кўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, Кўмита ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эшлиши, якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Кўмита ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортишга доир масалаларни кўриб чиқиши тўғрисида таклифлар киритиш;

Кўмита ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Кўмита ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Кўмита тизимида коррупция ва бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хукуқни қўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир чоратадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Кўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда, шу жумладан “ягона дарча” принципини жорий этиш орқали давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини ҳамда улардан эркин фойдаланишини ошириш ҳамда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишига доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулокотни йўлга қўйиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси судларида, шунингдек, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий

мамлакатлар вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Кўмита номидан иштирок этиши;

Кўмитанинг ҳайъати мажлисларида раислик қилиш;

зарурат бўлганда, Кўмитанинг, шунингдек, худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш;

Кўмита марказий аппаратининг, шунингдек, худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар тузилмасини, штатлар жадвалини ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;

Кўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек, Кўмитанинг худудий бошқармалари низомлари ва идоравий мансуб ташкилотлар уставларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Кўмита марказий аппарати ходимлари, Кўмитанинг худудий бошқармалари раҳбарлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

Кўмита, Кўмитанинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг мансабдор шахслари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

Кўмитанинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг мансабдор шахслари учун кўрсатмалар бериш ва уларнинг ижро этилишини назорат қилиш, шунингдек таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек худудий бошқармалари фаолиятига тегишли низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш;

пиллачилик ва қоракўлчилик тармоғида кадрларни тайёрлаш, ушбу соҳада фаолият юритаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чораларини кўриш;

пиллачилик ва қоракўлчилик тармоғидаги ходимларни ва мутахассисларни уларнинг кўп йиллик ва самарали фаолияти, алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун белгиланган тартибда таклифлар киритишни таъминлаш ва мукофотлашга тавсиялар бериш;

бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш ва Кўмита тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш чораларини кўриш.

23. Куйидагилар Кўмита раиси ўринbosарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Кўмита раиси вақтинча бўлмагандан, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Кўмитанинг ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Кўмита фаолиятининг ўзи мутасаддилик қиладиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Кўмитанинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирларнинг бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарларининг чораклик режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши мақсадида Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, шунингдек, “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ҳамда мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Кўмитанинг ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалари фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Кўмита ҳайъати қарорлари, Кўмита раисининг буйруклари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларда ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Кўмита раисига таклифлар киритиш;

норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларининг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини

ташкил этиш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда тайёрланган хужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Кўмита раиси томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равища Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида Кўмита раисининг топшириғига биноан иштирок этиш;

Кўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта иқтисодий, молиявий, хукуқий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 авгуустдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиласидиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равища танқидий таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиласидиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича Кўмита раисига таклифлар киритиш;

Кўмита ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

хукуқни қўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали “Коррупцияга қарши курашиб тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниqlаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш бўйича Кўмита раисига таклифлар киритиш;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича

самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва маҳфий ахборот билан ишлапшида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

5-боб. Қўмита раҳбарларининг жавобгарлиги

24. Қўмита раиси:

Қўмитага юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

Қўмитанинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ўзининг функционал мажбуриятларини сифатли бажариш учун шахсан жавоб беради.

25. Қўмита раисининг ўринбосарлари:

Қўмитага юклangan асосий вазифалар ва функцияларнинг ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларда бажарилиши;

Қўмитанинг жавобгарлик соҳалари бўйича ўзи назорат қиладиган масалалар юзасидан;

ўзининг функционал мажбуриятларини сифатли бажариш учун шахсан жавоб берадилар.

6-боб. Қўмита фаолиятини ташкил этиш

1-§. Қўмита раҳбарияти

26. Қўмитага Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган раис раҳбарлик қиласди.

27. Қўмитага раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

28. Қўмита раиси мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва тиббий хизмат кўрсатиш шартларига кўра – вазирга, унинг биринчи ўринбосари – вазирнинг биринчи ўринбосарига, ўринбосари – тегишли равишида вазир ўринбосарларига, Қўмитанинг марказий аппарати ходимлари – вазирликлар марказий аппарати, худудий бўлинмалари ходимлари эса – вазирликлар худудий бўлинмалари ходимларига тенглаштирилади.

29. Раис бўлмаган вақтда, унинг ваколатлари раиснинг биринчи ўринбосари томонидан, у бўлмаган вақтда эса – раиснинг буйруғига мувофиқ бошқа ўринбосар томонидан амалга оширилади.

30. Қўмита марказий аппарати бўлимлари (шўйбалари) бошлиқлари ва ходимлари, худудий бошқармалар бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

31. Қорақалпоғистон Республикаси пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Қўмита билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Худудий бошқармаларнинг ходимлари Қўмита раиси билан келишилган ҳолда, тегишли худудий бошқарманинг бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

2-§. Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг худудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

32. Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

33. Қўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўз фаолиятлари йўналишлари бўйича ўзаро ҳамкорликда:

топшириқларни худудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларга етказади ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қиласди;

Қўмитанинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларига таркибий бўлинмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қиласди;

Қўмитанинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятининг амалиётини текширади ва ўрганади, натижаларни умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қиласди;

Қўмитанинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисбот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларнинг ўрганилишини ташкил қиласди;

Қўмитанинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари иш режаларини таҳлил қиласди, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш чораларини кўради;

Кўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан тушган таклифларни кўриб чиқади;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойихаларини тайёрлашда Кўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари иштирокини ташкил этади, пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

34. Кўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари Кўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қиласди, шу жумладан:

Кўмита раҳбарияти топшириклари ижроси ҳақида ахборот беради;

фаолиятнинг белгиланган соҳасида қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида Кўмита марказий аппаратига ахборот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган ишдаги камчиликларни ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида ахборот беради;

Кўмитанинг марказий аппаратига ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этади.

35. Кўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Кўмита раисининг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосарлари томонидан кўриб чиқилади. Агар кўрсатиб ўтилган кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, улар бўйича қарор бевосита қўмита раиси томонидан қабул қилинади.

3-§. Кўмитанинг давлат бошқарувининг бошқа органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

36. Кўмита ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат бошқарувининг бошқа органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

37. Кўмитанинг ҳудудий бошқармалари ўз ваколатлари доирасида давлат бошқарувининг бошқа органлари, хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

4-§. Кўмита ҳайъати ва бошқа органлар

38. Кўмитада раис (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича), марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг фаолиятнинг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи бошлиқлардан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби Қўмитаси раисининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

39. Ҳайъатга қўйидаги вазифалар юкланди:

ушбу Низомда белгиланган Қўмита фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Қўмита тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмалар ва худудий бошқармалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли асосда эшитишни ташкил этиш;

ҳар чоракда ва тизимли тарзда Қўмита фаолияти натижадорлигини кўриб чиқиш;

Ҳайъатнинг кенгайтирилган мажлисларини ўтказиш, шу жумладан сайёр йиғилишларни ташкил этиш орқали Қўмита фаолиятининг долзарб масалалари муҳокама қилинишини таъминлаш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг қарорлари ва топшириқларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Қўмита раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш.

Ҳайъат Қўмита ваколатларига кирувчи бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишига ҳақлидир.

40. Ҳайъат мажлисига Қўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф қилиниши мумкин.

41. Ҳайъат мажлисида унинг таркибининг ярмидан ортиғи иштирок этса, Ҳайъат мажлиси қонуний ўтказилган деб ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

42. Ҳайъат қарорлари Қўмита раисининг буйруғи (Қўмитанинг қарорлари) билан амалга оширилади.

43. Қўмита раиси ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Қўмита раиси мустақил равищда қарор қабул қиласи.

44. Ҳайъатнинг фаолият юритиш тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган унинг регламенти билан белгиланади.

45. Қўмитада раиснинг биринчи ўринbosари (Кенгаш раиси), Қўмита фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи айrim таркибий

бўлинмалар раҳбарлари ва мутахассислари, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва бизнес-уюшмалар вакилларидан иборат таркибдаги Жамоатчилик маслаҳат кенгаши ташкил қилинади.

46. Жамоатчилик маслаҳат кенгашининг шахсий таркиби, аъзолари сони, шунингдек, унинг Низоми Кўмита раисининг буйруги билан тасдиқланади.

Жамоатчилик маслаҳат кенгашининг мажлисида қабул қилинган қарорга асосан Кенгаш раисига унинг шахсий таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хуқуқи берилади.

47. Қўйидагилар Жамоатчилик маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

республикада пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни муҳокама қилиш;

пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантиришнинг хукуқий механизmlарини янада мустаҳкамлашга қаратилган норматив-хукуқий ҳужжатларни амалда рўёбга чиқаришнинг механизmlарини танқидий кўриб чиқиш;

қонунчилик базасини такомиллаштиришда иштирок этиш, шу жумладан Кўмитанинг кўриб чиқиши учун ишлаб чиқилаётган ва киритилаётган норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш орқали иштирок этиш.

7-боб. Кўмита фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари

48. Кўмита раиси, раиснинг биринчи ўринbosари ва раис ўринbosари, Кўмита ҳудудий бошқармалари бошлиқлари фаолиятининг самарадорлиги Ўзбекистон Республикасининг Боз вазири томонидан тасдиқланадиган фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонларига асосан баҳоланади.

Кўмита марказий аппарати бўлимлари (шўъбалари)нинг бошлиқлари, шунингдек, марказий аппарат ва ҳудудий бошқармалар ходимларининг, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларининг фаолияти Кўмита раиси томонидан тасдиқланадиган фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонларига асосан амалга оширилади.

49. Кўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунларига кўра Кўмита раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жазога тортиш чоралари кўрилади.

8-боб. Кўмита марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини молиялаштириш ва уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш

50. Кўмита марказий аппарати фаолиятини молиялаштириш, ходимларига иш ҳақи тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган

бошқа манбалар ҳисобидан, Кўмита ҳудудий бошқармалари фаолиятини молиялаштириш, ходимларига иш ҳақи тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

51. Кўмита марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган рағбатлантирувчи тўловлардан иборат бўлади.

52. Кўмита марказий аппарати ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициенти 1,4 бараварга оширилган ҳолда, ҳудудий бўлинмалар ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициенти 1,2 бараварга оширилган ҳолда кўлланилади.

Ушбу бандни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

53. Кўмита марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларига Кўмита хузуридаги бюджетдан ташқари жамгарма маблағлари ҳисобидан узоқ муддат хизмати учун қуидаги миқдорда ҳар ойда устама тўланади (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига нисбатан фоиз ҳисобида):

Иш стажи бўйича гурӯҳ	Иш стаж учун устама миқдори
2 йилдан 5 йилгача	10 фоиз
5 йилдан 10 йилгача	20 фоиз
10 йилдан 15 йилгача	30 фоиз
15 йилдан 20 йилгача	40 фоиз
20 йилдан 25 йилгача	50 фоиз
25 йилдан юқори	60 фоиз

Узоқ муддат хизмати учун тўланадиган устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Кўмита томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

54. Лавозим маошларига устамалар (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда) ва бошқа рағбатлантириш тўловлари, шунингдек, Кўмитанинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари ходимларини моддий мукофотлаш Кўмита раиси томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ тўланади.

9-боб. Қўмитанинг ҳисобот бериши

55. Қўмита раҳбарлари Вазирлар Маҳкамаси олдида Қўмита фаолияти тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот бериб боради.

Вазирлар Маҳкамасининг соҳага масъул раҳбари Қўмита раҳбарларининг уларга юкланган вазифаларни самарали бажариши бўйича фаолиятининг доимий мониторингини олиб боради, Қўмита фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича Қўмитанинг алоҳида ўрнак кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача жавобгарликка тортилади.

56. Қўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари Қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари олдида марказий аппарат фаолияти тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот бериб боради.

Ўзларга юкланган вазифаларни самарали бажариши бўйича фаолиятининг доимий мониторингини олиб боради, марказий аппарат фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича марказий аппаратининг алоҳида ўрнак кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача жавобгарликка тортилади.

10-боб. Якунловчи қоида

57. Қўмитани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” ноябрдаги “705”-сон карорига
2-илова

**“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ҳузуридаги Пиллачиликни
ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш
ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ҳузуридаги Пиллачиликни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари хизмат кўрсатувчи банкда очилган тегишли ҳисобварақда жамланади.

3. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (кейинги ўринларда – Уюшма) Жамғарма маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади.

**2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан
фойдаланиш тартиби**

4. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари (шу жумладан ипак момиги) ва хом ипакни (ТИФ ТН коди – 5002 ва 5003) олиб чиқишида ундириладиган йиғимлардан тўлиқ ҳажмдаги тушумлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Жамғарманинг маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

Уюшма бошқарув ходимларининг қўшимча штат бирликларини сақлаш;

Уюшма кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан хорижий таълим муассасаларида стажировка ва малака оширишларини ташкил қилиш;

Уюшманинг жорий харажатларини молиялаштириш (мебель, компьютер ва бошқа ташкилий техника ва жиҳозлар, автотранспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ва бошқаларни харид қилиш);

Уюшма таркибидаги ташкилотлар томонидан пилла хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш учун уларга молиявий ёрдам бериш;

Уюшма ходимларини моддий рафбатлантириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, узоқ муддат хизматлари учун ходимларга ойлик маош устамаларини тўлаш;

нархларни индексация қилишни ҳисобга олган ҳолда, овқатланиш ва йўлкира харажатлари, шунингдек, мавсумий тусдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишни қоплаш учун ходимларга қўшимча тўловларни амалга ошириш;

Уюшма ходимлари иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларида ишга жалб этилганлиги учун тўловлар ҳамда бошқа пулли компенсациялар тўлаш;

Уюшмага давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий ва таълим муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини, халқаро ташкилотлар ва экспертларни консультант сифатида жалб этиш, шунингдек, тузилган эксперт ва ишчи гурухларни мукофотлаш;

Уюшмага малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақи миқдори ва бошқа тўловларни тўлаш;

ипакчилик соҳасига оид лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш учун экспертларни (аудиторлар, илмий ходимлар ва бошқалар), шунингдек, халқаро экспертларни жалб қилиш;

делегациялар, меҳмонлар, шу жумладан хорижий делегациялар, меҳмонларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ вакиллик харажатлари (тушликлар, кечки овқатларни ташкил этиш, гуллар, эсдалик буюмлари ва бошқаларни харид қилиш) ҳамда меҳмонхона харажатлари;

халқаро йиғилишлар, кўргазмалар, лойиҳалар ва дастурларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатлар;

конференциялар, давра сұхбатлари ҳамда семинарлар ташкил этиш ва ўтказиш;

босма нашр маҳсулотларини, электрон дастурлар ишлаб чиқиш, шунингдек, ипакчилик соҳасига оид бланкалар тайёрлаш.

6. Мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси марказий аппарати ходимларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши мумкин.

3-боб. Жамғарма маблағларини бошқариш

7. Уюшма раиси раҳбарлик қиласидаган Жамғарманинг бошқарув кенгashi (кейинги ўринларда – Жамғарма кенгashi) Жамғармани бошқарув органи ҳисобланади.

8. Жамғарма кенгашининг таркиби Уюшма, Ипакчилик илмий тадқиқот институти, ҳудудий “Агропилла” МЧЖ директорлари

ва пиллачилик соҳасидаги бошқа ташкилотлар вакилларидан шакллантирилади ҳамда Уюшма таъсисчилари йигилишида тасдиқланади.

9. Жамғарма кенгаши ва аъзолари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади.

10. Жамғарма кенгаши:

Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;
жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган тадбирларнинг устувор йўналишларини белгилайди;

зарур ҳолларда, тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаларига тегишли ўзгартиришлар киритади.

11. Жамғарма кенгашининг мажлиси заруратга кўра чақирилади.

4-боб. Якуиловчи қоидалар

12. Жамғарма маблағларидан фойдаланишда келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

13. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” ноябрдаги ‘705’-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак
чиқиндилари ва хом ипакнинг олиб чиқилишини мониторинг
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари (шу жумладан, ипак момиги) (кейинги ўринларда – ипак чиқиндилари) ва хом ипакнинг олиб чиқилишини мониторинг қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, “Ўзбекипаксаноат” ўюшмаси (кейинги ўринларда – Уюшма) ҳамда ипак чиқиндилари ва хом ипакни олиб чиқувчи ташкилотларнинг пиллачилик соҳасидаги фаолиятига нисбатан татбиқ этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари ва хом ипак олиб чиқилишини мониторинг қилиш ушбу Низомга 1-иловадаги схема бўйича амалга оширилади.

4. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
ипак чиқиндилари ва хом ипак – ТИФ ТН бўйича 5002, 5003 кодлари билан таснифланувчи маҳсулотлар;
экспорт қилувчи ташкилот – ипак чиқиндилари ва хом ипакни экспорт қилиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб чиқувчи ташкилот.

2-боб. Мониторингни амалга ошириш тартиби

5. Ипак чиқиндилари ва хом ипакнинг экспорт ҳажми Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан белгиланган ҳажмларга мувофиқлиги юзасидан Уюшма томонидан экспорт қилувчи ташкилотларнинг экспорт контрактлари мониторинги юритилади.

6. Экспорт қилувчи ташкилотлар экспорт контрактлари мониторингини юритиш учун Уюшмага қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

экспорт контрактининг асл нусхаси;
экспорт контрактига нарх калькуляцияси;
Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали (ТИФ ТН бўйича 5002, 5003 кодлари) ипак чиқиндилари ва хом ипакни олиб чиқиш учун

экспорт қилинадиган маҳсулот қийматининг ҳар бир килограмми учун 0,05 АКШ доллари микдорида Уюшманинг Пиллачиликни ривожлантириш жамғармасига йигим тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси. Бунда йигим Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича миллий валютада ундирилади.

7. Экспорт қилувчи ташкилотлар томонидан тақдим қилинган экспорт контрактлари Уюшма томонидан икки иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан белгиланган ҳажмларга мувофиқлиги бўйича мониторингдан ўтказилади.

8. Экспорт контрактлари мониторингини юритишда бозор конъюнктурасини ва ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиш жараёнида контрактда кўрсатилган нархларнинг нисбатан пастлиги юзасидан асосли шубҳа пайдо бўлгандан, Уюшма ипак чиқиндилари ва хом ипакнинг ўртача нархлари тўғрисида экспорт қилувчи ташкилотга тавсиявий хулоса беради.

9. Экспорт қилувчи ташкилотлар томонидан тақдим қилинган экспорт контрактлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан белгиланган ҳажмларга мувофиқ бўлган ҳолларда, Уюшма ушбу экспорт қилувчи ташкилотлар ва контрактлар бўйича уч иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда маълумотнома беради.

10. Экспорт қилувчи ташкилот томонидан Уюшмага мониторинг учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг асл нусхаси экспорт қилувчи ташкилотга қайтарилади, ҳужжатлар нусхалари эса – Уюшмада сақлаш учун қолдирилади.

3-боб. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари ва хом ипак олиб чиқилишини назорат қилиш тартиби

11. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари ва хом ипак экспортининг олиб чиқилиши Уюшма томонидан экспорт қилувчи ташкилот тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига тақдим қилинган маълумотнома асосида амалга оширилади.

12. Уюшма Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига тақдим қилинган маълумотномалар асосида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари ва хом ипакни олиб чиқиш (экспорт) мониторинги ва ҳисобини юритади.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳар ой якуни билан, кейинги ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинган ипак чиқиндилари ва хом ипак тўғрисидаги экспорт қилувчи ташкилотлар кесимидағи маълумотларни Уюшмага тақдим этиб боради.

4-боб. Якунловчи қоидалар

14. Экспорт қилувчи ташкилотлар экспорт контрактларининг қонун хужжатларига мувофиқ тўғри тузилиши, Уюшмага мониторинг учун мазкур Низомга мувофиқ тақдим қилинган хужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги, ипак чиқиндилари ва хом ипак экспорт нархларининг тўғри шакллантирилиши, божхона чегараси орқали олиб чиқилаётган ипак чиқиндилари ва хом ипакнинг мазкур Низомнинг 4-бандида қўрсатилган ТИФ ТН кодларига тўғри келиши бўйича жавобгардир.

15. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари ва хом ипакнинг олиб чиқилишини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари ва хом ипак олиб чиқилишини мониторинг қилиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-bosqich	Экспорт қилувчи ташкилотлар	Экспорт контрактлари мониторингини амалга ошириш учун экспорт контрактлари, нарх калькуляцияси ва Пиллачиликни ривожлантириш жамгармасига йигим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини Уюшмага тақдим этади.	Эҳтиёжга қараб
2-bosqich	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси	Экспорт қилувчи ташкилотлар томонидан тақдим қилинган экспорт контрактлари мониторингини ўтказади. Давлат божхона қўмитасига бу ҳақда маълумотнома беради.	2 иш куни ичida 3 иш куни ичida
3-bosqich	Давлат божхона қўмитаси	Ипак чиқиндилари (шу жумладан, ипак момиги) ва хом ипакнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб чиқилишини (экспорт) назорат қиласи.	Доимий равишда
4-bosqich	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси	Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб чиқилган (экспорт қилинган) ипак чиқиндилари (шу жумладан, ипак момиги) ва хом ипак тўғрисидаги экспорт қилувчи ташкилотлар кесимидағи маълумотларни Уюшмага тақдим этади.	Ҳар ой якуни билан, кейинги ойнинг 5-санасига қадар
		Ипак чиқиндилари (шу жумладан, ипак момиги) ва хом ипакнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб чиқилишининг (экспорт) ҳисобини юритади.	Доимий равишда

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси
орқали ипак чиқиндилари ва хом ипакнинг
олиб чиқилишини мониторинг қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

—-сана

20 ____ йил “____” _____

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси**

НИНГ

(ташкилот номи)

кодлари бўйича

(ТИФ ТН кодлари)

МИКДОРИДА

(ҳажми ва суммаси) (ҳар бир ТИФ ТН коди бўйича алоҳида кўрсатилади)

ипак чиқиндилари (шу жумладан, ипак момиги) ва хом ипакни экспорт қилиш бўйича
20 ____ йил “____” _____ даги ____-сон контракт “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси
томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 20 ____ йил ____ даги ____-сон қарори
билаи тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари
ва хом ипакни олиб чиқиш устидан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
мувофиқ мониторингдан ўтказилди.

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси

(Ф.И.О)

М.Ў

(имзо)

(лавозими)

*) “Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг расмий бланкасида расмийлаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” ноябрдаги “705”-сон қарорига
4-илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда хизмат енгил автомобилларидан фойдаланишни янада тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарорига 1-илованинг рус тилидаги матнiga киритилаётган қўшимча

1. Куйидаги мазмундаги 37³-позиция қўшилсин:

“ 37 ³ .	Комитет по развитию шелководства и каракулеводства	-	4	3	1	-	-	-	”.
---------------------	--	---	---	---	---	---	---	---	----

